

---

## РИШТОНЛИК ЁШ КУЛОЛЛАР БИР МАНЗИЛДА ЖАМЛАНДИ: ТУМАНДА УЧИНЧИ “ҲУНАРМАНДЛАР МАРКАЗИ” ИШ БОШЛАДИ

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Риштон туманида бўлиб, “Қалайнав” МФЙда барпо этилган “Ҳунармандлар маркази”нинг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5033-сон қарори ижроси доирасида барпо этилган ушбу мажмуа Риштон туманида қуриб битказилган учинчи Ҳунармандлар маркази бўлди. Сўнгги йилда туманда иккита Кулолчилик маҳалласи ташкил этилгани ҳам бу туман иқтисодиётининг драйвери бўлган бу соҳанинг кўлами янада кенгайишига хизмат қилади.

Очилиш тадбирида сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров туманда кулолчилик соҳаси жадал ривожланиб бораётганини қайд этиб, кулолчилик маҳсулотларининг улгуржи бозорини ташкил этиш пайти келганига эътибор қаратди. Шунингдек, ташкил этилаётган Ҳунармандлар марказлари фақат туристларнигина эмас, балки маҳаллий аҳолини, кенг истеъмолчилар оммасини ҳам ўзига доимий жалб этадиган масканга айланиши лозимлигини таъкидлади.

Бугун фойдаланишга топширилган, риштонлик машҳур кулолларнинг еттинчи авлоди Иброҳимжон Комилов номи билан аталувчи 2 қаватли марказ 0,8 гектар майдонда қад ростлади. Лойиҳа қиймати 2,4 млрд. сўмни ташкил этиб, манзилда 16 та хонадон жойлашган. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан 20 йиллик имтиёзли кредитлар ажратилиб, бинолар ўз эгаларига топширилган. Эътиборлиси, ҳунармандларнинг асосий қисми 30 ёшгача бўлган ёш кулоллар бўлиб, уларнинг қарийб 130 нафардан зиёд шогирдлари бор.

Авваллари уй шароитида меҳнат қилган кулолларга эндиликда барча қулайликлар яратилган. Уйларнинг биринчи қаватида устахона ва савдо дўкони жойлашган, иккинчи қаватида эса ҳунармандлар оиласи яшайди.

Тантанали очилиш тадбиридан сўнг иштирокчилар бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Риштонлик машҳур кулол Иброҳимжон Комиловнинг фарзанди Исмоилжон Комилов вилоят раҳбари билан мулоқотда кўрсатилаётган эътибор ва кулолчиликни ривожлантириш учун яратилаётган қулайликлардан мамнун эканлигини айтиб, Давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчилигини билдирди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-02 23:21:03